

Қирғизистоннинг Ўш вилоятида янги мадраса очилди



11:05 / 11.07.2018 5816

Куни кеча Қирғизистон Республикасининг Ўш вилояти, Қорсув туманида “Абу Ҳанифа ан-Нўъмон ибн Собит ал-Куфий” номидаги янги ўфил болалар мадрасаси фойдаланишга топширилди, деб хабар беради Қирғизистон Республикаси мусулмонлари диний бошқармаси расмий [сайтида](#). Хабарда айтилишича, мадрасининг очилиши маросимида Қирғизистон Республикаси мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Махсатбек Тохтамишев раҳбарлигидаги олиму мударрислар ва меҳмонлар ташриф буюрган. Муфтий мадрасининг очилиши билан барча иштирокчиларни табриклаб, бу ўқув маскани катта мақсадлар билан қурилганини, у Ислом дини йўлида узоқ йиллар хизмат қилишини эслатиб ўтган. Маълум бўлишича, 100 нафар талабага мўлжалланган ушбу мадрса икки қаватдан иборат бўлиб, синфлар барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Islom.uz